
ФАРҒОНАДА СИНГАПУРЛИК ИНВЕСТОРЛАР ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғонада қуёш панеллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни режалаштираётган Сингапур давлатининг “Enercon Asia” компанияси ижрочи директори Ажар Отманни қабул қилди.

Мулоқотда Сингапурнинг “Enercon Asia” компанияси томонидан вилоят ҳудудида катта қувватдаги қуёш панеллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Айни жараёнда сингапурлик инвесторлар томонидан вилоятнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуёш панеллари ва шамол трубиналари орқали ишлаб чиқариладиган энергияга бўлган эҳтиёж ўрганилгач, таклиф ишлаб чиқиши ва икки томонлама манфаат келтирувчи лойиҳа доирасида инвестиция киритилиши таъкидланди.

Эътиборлиси, қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилгач, унга 25 йил давомида техник хизмат кўрсатилиши ҳам айнан ушбу компания томонидан амалга оширилиши маълум қилинди.

Ташриф доирасида “Кўқон” эркин иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолияти ўрганилгач, 400 МВт энергияга эҳтиёж борлиги аниқланди. Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда икки томонлама манфаатли инвестициявий лойиҳани ишлаб чиқишга ишонч билдирилди.

Таъкидлаш ўринлики, “Enercon Asia” – электр энергиясини ишлаб чиқаришни бошқариш тизимлари ва тарқатиш мосламаларини ишлаб чиқаришда 30 йиллик тажрибага эга Сингапурдаги йирик компания саналади. Ҳозирда компаниянинг Осиё давлатларида 6 та филиали фаолият кўрсатади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари дунёнинг 20 дан ортиқ давлатига экспорт қилинади. Компания томонидан шу кунгача халқаро миқёсда 3 мингдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилишига эришилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-03-03 22:36:23